

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

Наманган давлат университети
Тасвирий санъат кафедраси

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ
ВА НУСХА КЎЧИРИШ
фани буйича

(5140700-Тасвирий санъат ва муҳандислик
графикаси йўналиши учун)

«МАНЗАРА АСАРИДАН НУСХА ОЛИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ»
(Н.Караханни “Олтин куз” асарида нусха кўчириш мисолида) мавзусида

АМАЛИЙ ДАРС ИШЛАНМАСИ

Наманган – 2012

Тузувчи: Тасвирий санъат кафедраси ўқитувчиси,
Б.Хамроҳўжаев

Тақризчи: Педагогика фанлари номзоди,
доцент А.Турдалиев

**МАВЗУ: Манзара асаридан нусхалар олишнинг хусусиятлари мавзусида.
(Н.Карахон “Олтин куз” асаридан нусха кўчириш мисолида)**

Дарснинг мақсади: Талабаларга манзара асарларидан нусха кўчиришнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тушунчалар бериш ва нусха олиш кўникмалари ҳосил қилиш.

Машғулот методи: суҳбат, амалий иш, индивидуал ишлаш

Машғулот жиҳози: Н.Карахон “Олтин куз” асарини кўчириш, репродукциялари, мойбўёқ ва мўйқаламлар, холст.

Дарсни режаси:

- 1.Ташкилий қисм
2. Композицион таҳлили
3. Амалий иш нусха олиш
4. Дарсни мустаҳкамлаш
- 5.Мустақил иш топшириқлари беринг

Ташкилий қисм: 1.

Машғулотни бориши: 2. Асарни кўрсатиш, композициясини таҳлил қилиш.

Табиат манзараларини акс эттириш, Хитой рассомлик санъатида VII асрда пайдо бўлган. Европа санъатида манзара жанри мустақил жанр сифатида XVII асрдан бошлаб ривожланди. У айниқса, голланд рангтасвир санъатида кенг тарқалган. Шунини айтиш мумкинки, то XVII асргача табиат манзараси кўринишлари фақат мавзули сурат ёки портретлар учун фон тариқасида хизмат қилган. XIX асрдан бошлаб мазкур жанрига эътибор кучайди. Унинг янги хиллари-шаҳар, парк, индустриал манзара жанрлари пайдо бўлди.

Бўлажак рассом педагоглар учун машҳур манзара жанрида ишланган асарларидан нусха кўчириш, нусха ишлаш кўникмаларини ривожлантириш билан бирга рангтасвир технологияси, манзара жанридаги асарларни хусусиятлари ҳақидаги илмий-назарий билимларини мустаҳкамлашга ҳам ёрдам беради.

Машҳур ўзбек манзарачи рассоми Н Караханни “Олтин куз” асаридан нусха кўчиришда куйидагиларга кузатилади. “Олтин куз” манзарасининг сюжети-содда, таниш ва кўзга яқин. Унда Ўзбекистон тоғ манзараси, “Олтин куз” кўринишларида ифодаланган, мовий осмон фонида олтинсимон рангга бурканган дарахтлар кўзга ташланади. Олдинда аранг сезиларли сўқмоқ йўл, қорамтир тошлар, кўкимтир харсанг тошлар, жазирама офтобда куйган ўтлар, кузги сариқ, кип-қизил, оч қизил ва олтинсимон шох-шаббалар аниқ, яққол кўриниб турибди. Орқа томонда ёқимли, юмшоқ кўк мовий туманга ўралган салгина кўриниб туради. Бу қадимги улкан тоғлар устида эса қуёш нурлари билан охиста ёритилган ўйноқ оқ булутлар билан безалган, ҳайрон қоларли даражадаги нозик зангори осмон. Қуёшнинг ғира-шира нурлари тоғлар чўққиси бўйлаб астагина ёйилиб боришдан кун охирига яқинлашибқолганлиги сезилади.

Манзара композициясида ҳамма нарса бир-бирига боғланган, шу туфайли асарнинг маънодорлиги ва яхлитлигига эришилган. Сюжет ечими, ғояси рассомдан асарнинг муайян ҳажмли ва кўламини танлаб олишни талаб этган. У квадратга яқин катта бўлмаган юзага ишланган.

Перспектива имкониятларидан ўринли фойдаланиш танланган масштаб ва деталларининг бир-бирига нисбати, ранг уйғунлиги ва тусланиши ҳисобига асарнинг таъсирчан ва жозибалилиги таъминлаган. Чизиқли перспектива сезиларли даражада нарсанинг узоқлашиб боришига уларнинг кўлами, рангларни ўзгартириб боришига имкон берган.

Айниқса, ичкарига кириб, кичрайиб борётган дарахтлар, шунингдек, салгина кўзга ташланадиган қизнинг нусхаси фазовийлик, кенгликни чуқур ҳис қилишга кўмаклашади.

Ҳаво перспективаси ҳам аниқ ва равшан. Узоқ тоғлардан совуқ шаббода эсганда томошабинга яқинлашган ёз қуёшининг ҳароратини ўзига сингдирган ўтлар, буталар ва дарахтлардан шодиёна илиқ ҳаво тарқалаётгандек туюлади. Иссиқ ва совуқ ранглар

курашидаги ҳаракат ўз навбатида асар динамикасини оширади. Асар чизгиси ҳам диққатга сазовор, у гўё икки қатламдан кўринади: тоғларнинг мустаҳкам, қудратли кўриниши ва шакллари ҳамда дарахтлар, шох-шаббаларнинг нозик, сезиларли ҳаракатда тебранаётгандек чизишнинг таъминлайди. Асарни тузилишининг бу хусусияти (ранг гаммаси билан ўзаро боғланган ҳолда) суратда муаян кайфиятни яратишга ёрдам қилади, шу туфайли композиция қисмларнинг яхлитлиги ва мослигига эришилади.

Олтинсимон сариқ колорит бутун суратни тўлдирадиган ва асосий ранг эффектини яратадиган бўлиб кўринса ҳам, ранг тузилиши турли тумандир.

Суратда Ўрта Осиё табиатига хос бўлган ёрқин рангларнинг контрастларидан ёрқин ва кескин, майин ва кўзни қамаштирадиган ранглардан тузилган. Бир ранг иккинчисига қарама-қарши қўйилади (кўк тоғлоар олтинсимон сариқ дарахтларга). Диққат билан қараганда кўп учрайдиган ранглар сифати (тус, ёритиш кучи, илиқлик ва ранг совуқликка бой) кўринади. Улар қандайдир сездирмай бир-бирига ўтади гармоник ранг гаммаси бўлиб шаклланади.

Суратдаги осмон ранг гаммасида совуқ ранглар тизими ўрин олган. Бу ранг товланиши асарда соф ҳаво таасуроти ва табиий теранлик омили сифатида, ранги, шакли, материали ва хусусиятларини ифодалайди, асарни мазмунини англаб олишга, унинг ғоясини очиб кўрсатишга, рассомнинг ҳис-туйғулари ва кечинмаларини тушунишга ёрдам беради.

Суратни юзаси биров сал ғадур-будур. Асар юзасининг бу ўзига хос хусусияти (фактураси) рассомнинг тасвирлашдаги ўзига хос хусусиятларини, ва унинг индивидуаллигини ифодалайди.

Умуман айтганда Н. Караханнинг “Олтин куз” манзарасининг хусусияти сурат композициясининг етуклигида муаллифнинг хис-туйғуларини, фикрлари ва кечинмалари усталик билан талқин этилган, ёрқин колорит мужассамлигида ва рангнинг усталик билан беришида намоён бўлади.

Бу асардан нусха олиш жараёнида юқоридаги омилларни аҳамияти каттадир.

3.Амалий иш нусха кўчириш.

Амалий машғулот давомида талабалар асосий эътиборни манзарадаги тасвир ва ифода воситаларига қаратилиши талаб этилади. Булар композиция, чизги, ритм, ранг, фактура. Шу билан бирга картинадаги ранг суратмаларини қунт билан ўрганишлари, асардан нусха олишни муваффақиятли чиқишини таъминлайди.

4.Дарсни мустаҳкамлашда қуйидаги назорат саволларидан

фойдаланилади.

1. Асар чизгисида қандай ритмлар кўзга ташланади?
2. Асар қандай колоритда ишланган?
3. Манзарада перспективадан қандай (чизикли ёки фазовий) фойдаланилган?
4. Ранг композиция тузилишида қандай роль ўйнайди?
5. Суратини асосий ғоясини қандай очиб беришда рангларни ўрнини тушунтириб бериш?
6. Асарни яратишда расм қандай ранг суратмаларидан фойдаланган?

5. Мустиқил иш сифатида қуйидаги таянч тушунчаларга изоҳлар ёзиб келиш топширилади.

Композиция, ранг, ранг суртмаси, чизги, ритм, фактура, колорит, формат, чизикли ва фазовий перспектива.

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. А.Амануллаев, Б.Хамроҳўжаев. Тасвирий санъат технологияси ва нусха кўчириш.
(Услубий қўлланма).- Наманган 2005 йил.
2. Н.М.Кевиш. Эстетикадан факультатив курсда рангтасвирни ўрганиш.
- Тошкент “Ўқитувчи” 1985 йил
3. М.Набиев. Рангшунослик -Тошкент “Ўқитувчи” 1995 йил
4. Б.Хамроҳўжаев. “Манзара устида ишлаш” (Услубий қўлланма).- Наманган НамДУ.